Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 19 (8509). ● 25 январь, 1985 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

ПЛАНЕТАНИ УРУШДАН САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

Планета халқларининг ядро уруши олдини олиш йўлидаги курашига совет кишилари ҳаракати қўшаётган ҳисса беқиёсдир. 23 январь куни Москвада бўлиб ўтган тинчлик тарафдорлари Бутуниттифоқ конференцияси ҳозирги шароитда ҳаракатни янада кучайтириш актуал вазифаларига бағишланди.

Йиғилиш аҳли ўртоқ К. У. Черненконинг конференция қатнашчиларига йўллаган табрикномасини гулдурос, давомли қарсаклар билан қутиб олди. Табрикномани КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев ўқиб эшиттирди.

Биз, конференция делегатлари, самимий табрикнома йўллаганлиги учун ўртоқ К. У. Черненкога сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этамиз, деди Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг раиси Ю. А. Жуков ҳисобот доклади қила туриб. Биз ана шу табрикномага жавобан партиямиз билан унинг раҳбарларининг бутун инсоният ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушадиган тинчлик ташаббусларини амалга ошириш учун курашда куч-ғайратимизни уч карра кўпайтирамиз.

Аввалги конференциямиздан кейин ўтган беш йил, деб давом қилди нотиқ, уруш кучлари билан тинчлик кучлари ўртасидаги нисбатда ўткир кураш даври бўлди. Энг катта капиталистик давлатнинг Вашингтонда республикачилар маъмурияти ҳокимият тепасига келгандан кейин айниқса яққол намоён бўлиб қолган авантюрачилик ҳаракатлари ҳозир планетамиздаги соғлом фикрловчи барча кишиларни тобора кўпроқ ташвишга солмоқда. Бу кишилар шундай сиёсат бутун инсоният учун ниҳоятда хатарли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини тушунмоқдалар. Ҳозирги замоннинг қудратли тинчликсевар кучлари бундай хатарли сиёсатга тобора қаттиқроқ зарба бермоқдалар.

Ўтган беш йил мобайнида совет кишиларининг тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги кураш йилномасига кўпгина янги ёрқин саҳифалар ёзилди. Докладчи СССРда шу ҳаракатнинг чинакам умумхалқ характерида эканлигини кўрсатувчи рақамларни келтирди.

У кейинги йилларда мамлакатимизда чет эл, аввало ғарбнинг урушга қарши ҳаракатлара намояндалари билан биргаликда ўтказилган урушга қарши тадбирларнинг алоҳида муҳимлигини таъкидлади.

Келгуси ойлар ва йилларда биз катта-катта ишларни бажаришимиз лозим, деди нотиқ. Биз фашизм устидан қозонган улуғ Ғалабамизнинг 40 йиллигини кенг кўламда ва муносиб нишонлаш учун ҳамма ишни қиламиз. Шу йил ёзда Москвада ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивали ўтказилади. Турли ёш ва авлодларга мансуб совет тинчлик тарафдорлари планета ёшларининг ана шу ажойиб учрашуви инсониятнинг тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги кураши йилномасига ёрқин саҳифа бўлиб кириши учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишлари керак. БМТ 1986 йилни халқаро тинчлик йили деб эълон қилди. Унинг кенг программаси ишлаб чиқилмоқда, биз шу программани бажаришда жуда фаол иштирок этиш ниятидамиз.

Халқимиз ҳаётида шундай воқеа содир бўладики, бу воқеанинг аҳамияти бизнинг ҳаммамиз учун, қолаверса бутун тараққийпарвар инсоният учун айниқса буюкдир. Партиямиз ўзининг XXVII съездига ҳозирлик кўрмоқда. Съезд қарорларида мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг янги улуғвор вазифалари ўртага қўйилади, КПСС билан Совет давлатининг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун олиб борадиган курашининг янги йўналишлари белгиланади.

Конференцияда сўзга чиққан Полтава областидан сут соғувчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Н. Сиволап, ленинградлик ишчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Н. Моряков, уруш ветерани Ульяновск областидаги мактаб директори, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Н. Н. Вербин, бошқа делегатлар КПСС билан Совет давлатининг ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилдилар. Бу сиёсат халқнинг энг муқаддас орзу-умидларини акс эттираётганлиги, совет тинчлик тарафдорлари бундан буён ҳам планетадаги тинчликсевар кучлар билан бирликни мустаҳкамлайверишлари, чунки ядро уруши хавфини фақатгина мамлакатлар ва халқларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан даф этиш мумкин эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президенти Р. Чандра минбарга чиқади. Бу йил,— деди у, — гитлерчилар фашизми устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини нишонланадиган йилдир. Совет Иттифоқи, унинг Армияси, халқи ўзининггина эмас, шу билан бирга планетадаги барча кишиларнинг бахт-саодати йўлида шундай ғалабага эришди. Буни ҳамма ҳамиша ёдда тутиши зарур.

Улуғ ва гўзал мамлакат бўлган Совет Иттифоқи тинчлик таянчидир, бу эса барча қитъалардаги урушга қарши ҳаракат қатнашчиларига бизнинг муштарак курашимиз муваффақият билан тугашига комил ишонч бағишламоқда. Бизлар шу мақсад йўлида янада мустаҳкам жипслашишимиз зарур.

Конференция тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети тўғрисида низом қабул қилди.

Конференцияда БМТ Бош секретарининг табрикномаси ўқиб эшиттирилди.

Конференция қатнашчилари якдиллик билан қабул қилган қарорда совет тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг СССР ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўтказаётган тинчликсевар ташқи сиёсий йўлни қатъий қўллаб-қувватлашга қаратилган активлигини бундан буён ҳам бутун чоралар билан ривожлантиришга азму қарор берганликларини билдирдилар.

Делегатлар баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, К. У. Черненкога табрикнома қабул қилдилар.

Конференцияда тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг янги состави сайланди.

(ТАСС).

ЯКДИЛЛИК ВА ЖИПСЛИК

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Округ сайлов комиссияларининг мажлисларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

Тошкент ва Тошкент областида республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига қуйидагилар номзод этиб рўйхатга олиндилар: 4-қурилиш трестининг бригадири **Сергей Григорьевич Зинчук**, СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **Ирик Харасович Мусин**, Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводининг пўлат эритувчиси **Евгений Александрович Маршалов**, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг ҳайдовчиси **Татьяна Федоровна Марченко**, Тошкент электрон техника заводининг йиғувчиси **Таъяна Николаевна Кочкова**, Тошкентдаги «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-моториси **Дилором Мажитовна Умарова**, Ленин район партия комитетининг биринчи секретари **Юрий Асралович Асепков**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Кузьма Иванович Лапкин**, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ректори **Саъди Ҳасанович Сирожиддинов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Вячеслав Гаврилович Кретов**, Тошкент чинни заводининг ишчиси **Гўзал Сулаймоновна Эргашева**, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси **Нина Ивановна Таликина**, «Таштекстильмаш» заводининг ишчиси **Дина Дмитриевна Толстикова**, Тошкентдаги 2-автобус паркининг ҳайдовчиси **Эргаш Алимович Азаматов**, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари **Виктор Васильевич Аочков**, СССРнинг космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони **Владимир Александрович Жонибеков**, Тошкент механика заводининг директори **Раҳим Ражабов**, Ново-Ангренская ГРЭСи қурилиш бошқармасининг бошлиғи **Ирина Алексеевна Шигильчева**, Тошкент областидаги «Пискент» совхозининг ишчиси **Зебиниса Турсунбоевна Эгамбердиева**, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз правлениесининг раиси **Миразиз Рўзматов**, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси **Халима Тожибоевна Ражабова**, Тошкент область Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози правлениесининг раиси **Маҳмуд Исматов**, Тошкент область Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси **Муборак Болтабоева**.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти **Пўлат Қиргизбоевич Хабибуллаев**, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри **Абдулла Маткаримович Худойберганов**, Ўзбекистон ССР Савдо министри **Мадамнижон Ҳасанович Ҳасанов**, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министри **Набижон Ғаниевич Қурбонов**, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари **Виктор Михайлович Любимов**.

Бухоро областида округ комиссиялари қуйидагиларни республика давлат ҳокимиятининг олий органига номзод этиб рўйхатга олди: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Владимир Иванович Сускин** ва бошқалар.

Қашқадарё области сайлов округларида қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиндилар: ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси **Шавкат Акмалхонов**, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари **Низом Жўраевич Ўрунов** ва бошқалар.

Наманган областида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига қуйидагилар номзод этиб рўйхатга олинди: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Эркин Юсупович Юсупов** ва бошқалар.

Самарқанд областидаги округ сайлов комиссиялари Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари **Ўткир Раҳматович Мўминовни**, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Бўри Алламуродович Алламуродов** ва бошқаларни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олдилар.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистонда сайловчиларнинг республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзодлар билан учрашувлари баланд руҳда ўтмоқда. Учрашувларнинг қатнашчилари сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг муносиб номзодлари учун якдиллик билан овоз берамиз, КПСС билан Совет давлатининг экономика ва маданиятни янада юксалтиришга, Ер юзида тинчликни сақлаб қолишга қаратилган ички ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётганлигимизни намойиш этамиз демоқдалар. Сўзга чиққан кишилар кенг сайловчилар оммасининг фикрини изҳор этиб, меҳнат коллективлари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга, КПСС XXVII съездини янги ютуқлар билан кутиб олишга интилаётганликлари тўғрисида гапирмоқдалар.

23 январь куни **95-Бордонкўл сайлов округидан** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози правлениесининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ман-Гим Григорьевич Хван** билан сайловчиларнинг учрашуви бўлди.

М.-Г. Хван юксак ишонч учун самимий миннатдорчилик билдирди. У сайловчиларнинг наказларини бажариш учун бутун кучимни сарфлайман, деб ваъда берди.

105-Пахтаобод сайлов округи сайловчиларининг республика Олий Совети депутатлигига номзод — Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси **Ҳалима Ражапова** билан учрашуви бўлди.

110-Чиноз сайлов округининг сайловчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўзлари кўрсатган номзод — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси **Муборак Болтабоева** билан учрашдилар.

(ЎзТАГ).

ЮКСАК ИШОНЧ

Халқ депутатлари Тошкент область Совети депутатлигига номзодларни кўрсатиш давом этмоқда.

«Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси юклаштранспорт бошқармасининг катта қабул қилувчи-топширувчиси **Галина Ильинична Елькина** 24-(Ангрен шаҳри) Фрунзе сайлов округидан, Калинин районидаги Калинин номли колхоз бригада бошлиғи **Ўткир Соатович Сиддиқов** 225-Ленин сайлов округидан, алоқа узели электромеханиги **Татьяна Ивановна Девизорова** 120-(Янгийўл шаҳри) Ортиқов сайлов округидан, Ғалаба районидаги Ленин номли колхознинг сут-товар фермаси бригадири **Сидор Иванович Ким** 212-Ленин сайлов округидан, Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-филиали тикувчи-моториси **Галина Григорьевна Беспалова** 107-(Янгиобод шаҳри) Красногорск сайлов округидан, Калинин районидаги «Москва» совхози ишчиси **Ойжон Кназбоевна Абдиева** 230-Коминтерн сайлов округидан, темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинатининг газ билан кесувчиси **Вера Тимофеевна Дозорова** 59-(Бекобод шаҳри) Цемкомбинат сайлов округидан, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз аъзоси **Сожида Қуддусовна Маннопова** 265-Институт сайлов округидан, В. И. Ленин номидаги Олмалиқ конметаллургия комбинати мис эритиш заводи шлам-купорос цехи шлам бўлимининг хомашё ва ярим фабрикатларни қабул қилувчиси **Надежда Герасимовна Ржикова** 13-(Олмалиқ шаҳри) Ушинский сайлов округидан, Олмалиқ рўзғор химияси заводи кранчиси **Марина Александровна Бауэр** 20-Темирйўл сайлов округидан, Янгийўл пойабзал фабрикаси жойловчиси **Гулнора Норматовна Суюнова** 111-Калинин сайлов округидан, Оҳангарон районидаги Серго номли совхоз ишчиси **Шаҳодат Маматалиевна Эргашева** 142-Облиқ сайлов округидан, қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг бригада бошлиғи **Рустам Аҳмедов** 361-(Чиноз районидаги) Завод сайлов округидан, Чиноз районидаги «Москва» колхозининг аъзоси **Мавлуда Самандарова** 375-Эски Тошкент сайлов округидан, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг бош агрономи **Фозил Назармуҳамедович Зиямуҳамедов** 269-Жамбул сайлов округидан депутатликка номзод қилиб кўрсатилдилар.

ДОҲИЙ ТЎҒРИСИДА ХОТИРАЛАР

«Владимир Ильич Ленин ҳақидаги хотиралар» кўптомлик нашрининг охирги, бешинчи китоби босмадан чиқди.

Бу китобга халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг атоқли намояндалари, жамоат ва давлат арбоблари, ёзувчилар, рассомлар, журналистларнинг жаҳон пролетариати йўлбошчиси ҳақидаги хотиралари киритилган. Чет эллик замондошлар эсдаликларида В. И. Ленин доҳий мутафаккир, III Коммунистик интернационалнинг асосчиси ва назариётчиси, халқаро ишчи ва коммунистик ҳаракатнинг йўлбошчиси эканлиги тасвирланган.

Беш томликни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти тайёрлаган ва сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган.

(ТАСС).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

24 январь куни Тошкентда ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни шу комиссияга бошчилик қилувчи В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Маннопов олиб борди.

Андижон область Избоскан район ижроия комитетининг раиси Т. Мамажонов ва Ленин район ижроия комитетининг раиси Т. Ҳайдаровнинг Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловга тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Мажлисда шу районларда сайлов кампанияси бутун республикада бўлганидек, меҳнаткашларнинг юксак сиёсий ва меҳнат активлиги ошган бир шароитда, КПСС XXVII съездини, Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун давом этаётган умумхалқ кураши белгиси остида ўтаётганлиги таъкидланди.

Мажлис қатнашчилари ўз нутқларида шуни қайд этиб ўтдиларки, сайлов кампанияси Ўзбекистон ССР Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказилмоқда. Сайлов участкалари ўз вақтида ташкил этилди, участка сайлов комиссияларининг составлари тасдиқланди. Депутатликка номзодларни кўрсатиш белгиланган муддатда тугалланди, округ сайловолди кенгашлари ўтказилмоқда. Илғор ишчилар, колхозчилар, халқ зиёлиларининг намояндалари республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар. Агитпунктлар ва маданият муассасалари ҳамма жойда агитация-оммавий ишларни авж олдирдилар. Республика меҳнаткашлари коммунистлар ва партиясизлар бузилмас блоки номзодларини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар, КПСС ва Совет давлатининг ички ҳамда ташқи сиёсатини тўла-тўкис маъқулламоқдалар, сайлов кунида Ватанга, Коммунистик партияга ва унинг Марказий Комитетига чексиз садоқатларини янги куч билан намойиш этишга тайёр эканликларини айтмоқдалар.

Комиссия округ ва участка сайлов комиссиялари халқ депутатлари Советларининг тегишли ижроия комитетлари томонидан ўз вақтида тасдиқланганлигини таъкидлаб ўтди.

510 та округ ва 5881 та участка сайлов комиссияси составида жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ва ҳарбий хизматчилар йиғилишларининг 111540 вакили бор. Буларнинг 58,6 проценти ишчи ва колхозчилар, 44,2 проценти КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, 55,8 проценти партиясизлар, 50 проценти хотин-қизлардан, 30,7 проценти 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлардан, 20,1 проценти ВЛКСМ аъзоларидан иборат. 1248 ишчи ва колхозчи сайлов комиссияларининг раислари қилиб тасдиқланди. Комиссияларда аҳолиннг барча табақалари ва жамиятимизнинг социал группалари бор. Бу эса овоз беришни ташкил этиш ва сайлов натижаларини белгилаш меҳнаткашларнинг ва улар вакилларининг зиммасига юкланганлиги тўғрисида сайлов қонун қоидаларининг амалдаги ифодасидир.

Комиссия мажлисида сайлов кампаниясида савдо-сотиқ хизматини ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди, сайлов куни йўлда ёки бориш қийин бўлган гидрометеорология станцияларида ишлайдиган сайловчиларнинг овоз беришда иштирок этишини таъминлашга оид тадбирлар муҳокама қилинди ва белгиланди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг аъзолари М. А. Раҳимбердиева, Ю. К. Холмирзаева нутқ сўзладилар.

Комиссия ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари, матбуот, телевидение ва радио вакиллари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ КЕНГАШИ

Республика халқ контроли органлари активларининг 24 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида республика халқ контроли органларининг халқ контролерлари Бутуниттифоқ кенгашида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқидан ва шу кенгаш якунларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров доклад қилди.

Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқида баён этилган қоида ва хулосалар ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида, халқ хўжалигини бошқариш, аҳолига хизмат қилиш соҳасида давлат ва меҳнат интизомини, уюшқоқлик ва тартибни бутун чоралар билан ҳамма жойда мустаҳкамлаш йўлидаги курашда халқ контролёрлари учун зўр сафарбар этувчи куч бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари республика халқ контролерларининг аниқ-равшан иш программаси бўлиб қолди. Халқ назоратчилари халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгаши, республика партия ташкилоти ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга киришар эканлар, кўзбўямачиликка ва давлатни алдашга, порахўрликка ва чайқовчиликка, социалистик мулкни талон-торож қилиш ва ўғирлашга, турли-туман сунистеъмолларга қарши кескин кураш эълон қилдилар.

Ҳозир республикадаги 450 мингдан ортиқ халқ назоратчиси халқ контроли комитетлари, постлари ва группалари составида иш олиб бормоқда. Ўтган йилнинг бир ўзида уларнинг ғайрати билан республикада миллионлаб киловатт соат электр энергия, ўн минглаб тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, кўп миқдордаги мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар тежаб қолинди, хўжасизлик, халқ мулкига масъулиятсизларча қараш фактлари аниқланди ва уларнинг пайи қирқилди, саноатда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида, транспортда, экономиканинг бошқа тармоқларида ва маиший хизмат соҳасида ишлаб чиқаришнинг қўшимча резервларидан фойдаланилди.

Шу билан бирга республика халқ контроли органларининг фаолияти халқ контролерларининг Бутуниттифоқ кенгаши ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми уларнинг олдига қўйган талабларга ҳамон тўла-тўкис мувофиқ эмаслиги йиғилишда уқтириб ўтилди. Қорақалпоғистон АССР халқ контроли комитети, Қашқадарё, Тошкент, Сурхондарё область халқ контроли комитетлари, бир қанча шаҳар ва район комитетлари шаънига жиддий танқидий мулоҳазалар айтилди, бошқаришни ва ишлаб чиқаришни контрол қилишнинг, салбий ҳодисаларнинг олдини олиш ва пайини қирқишнинг кўпгина жуда муҳим масалалари уларнинг диққат марказидан четда қолаётганлиги айтиб ўтилди.

Республика халқ контроли органлари ишлаб чиқариш фаолиятини чуқур иқтисодий анализ қилиш мақсадини кўзлайдиган, меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг, мавжуд қувватлардан фойдаланишнинг, ижрочилик интизоми ҳолатининг энг муҳим масалаларини очиб ташлайдиган текширишларни ҳали етарли равишда ўтказаётгани йўқ. Ўтган йили ўнлаб корхоналар белгиланган топшириқларни ва шартномавий мажбуриятларни уддалай олмадилар, машина-ускуналарнинг смена коэффициенти деярли ҳамма жойда паст даражада турибди, бекор туриб қолишга, иш вақтининг зое ўтишига йўл қўйилмоқда. Давлат планларига тузатиш киритишдан иборат яроқсиз практика давом этмоқда, ўтган йили республика корхоналари учун белгилаб қўйилган маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми унчалик асос бўлмагани ҳолда «тузатилиб», тахминан саккиз юз минг сўмлик миқдорда камайтирилди.

Йиғилишда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, республика халқ контроли органлари давлат планлари ва топшириқлари қандай бажарилаётганлигини текширишга кўпроқ эътибор беришлари, план интизомини, маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бузиш ҳолларига қарши муросасиз курашишлари, қўшиб ёзиш ёки кўзбўямачилик йўлидаги ҳар қандай уринишларга кескин қарши чиқишлари лозим.

Йилнинг аввал бошиданоқ белгиланган топшириқлар бир маромда, барча кўрсаткичлар бўйича бажарилишига эришиш жуда муҳимдир. Ҳар бир назоратчи меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтининг зое ўтишини қисқартириш, ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлигини таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш, маҳсулот сифатини ошириш учун актив курашга қўшилиши керак.

Йиғилишда қурилиш планларининг бажарилиши, қурилиш ва монтаж ишларининг сифати, ишлаб чиқариш объектларини, уй-жой биноларини, мактабларни, мактабгача тарбия ва медицина муассасаларини, бошқа социал-маиший ва маданий объектларни ўз вақтида қуриб ишга тушириш устидан контроллиқни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Докладда ва нутқларда республика халқ контролерларининг СССР Озиқ-овқат программасини ва ерларни мелиорациялашнинг КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленуми ишлаб чиққан узоқ муддатли программасини амалга ошириш, пахта, чорвачилик ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда тайёрлаш планларини бажариш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ажратиладиган моддий-техникавий ресурслар ва пул маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган вазифаларга катта ўрин берилди.

«Ер — бойлигимиз» деган сўзларни тез-тез эшитиб туриш мумкин, дейишди кенгаш қатнашчилари. Бироқ амалда шу бойлик кўпинча талон-тарож қилинмоқда деса бўлади. Ер фондидан фойдаланилиши устидан алоҳида сергаклик билан контроль қилиб туриш — назоратчиларнинг бурчидир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сақланиши устидан контролликни кучайтириш, хўжасизлик йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш, маҳсулотнинг нобуд бўлишига йўл қўйишга ва аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарли тарзда таъминланмаслигига айбдор бўлган ходимлардан қаттиқ жавоб талаб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Республикада ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳаси, халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида назоратчиларнинг актив ва принципиал иштирок этишлари лозим, ҳамма жойда уларнинг фаолияти учун, халққа керакли ишлар учун жуда кенг имконият бор, дейишди йиғилиш қатнашчилари.

СССР Халқ контроли комитети раисининг ўринбосари В. И. Манаев ўз нутқида республика халқ контроли органларининг фаолиятини такомиллаштиришнинг бир қанча муҳим масалаларига тўхталди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ҚИШЛОВ—СИНОВ

ДАСТЛАБКИ КУНЛАРДАНОҚ

ТОШКЕНТ районидаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари 1984—1985 йил қишловига ҳар қачонгидан ҳам яхши тайёргарлик кўрдилар. Қишловни муваффақиятли ўтказишнинг асоси бўлган мўл ва сифатли озуқа жамғаришга эришилди. Масалан, пландаги 2400 тонна ўрнига 3 минг тонна силос, 1200 тонна ўрнига 1500 тонна сенаж тайёрланди. Булардан ташқари сабзавот ва дон маҳсулотларининг чиқиндиларидан 430 тоннадан зиёд дағал хашак ва 600 тонна лавлаги жамғарилди.

Хўжаликда мавжуд чорвачилик, бинолари ҳам сифатли ремонтдан чиқарилди. Озуқа цехлари ва улардаги машина механизмлар бенуқсон ишлаб турибди. Бу тадбирларнинг барчаси қорамоллардан мўл ва сифатли маҳсулот олиш имконини бераётир. Бу соҳада айниқса, сут-товар фермаси коллективи барчага ибрат бўляпти.

— Фермамиз коллективи қиш даврида ҳам сигирлар маҳсулдорлигини ошириб бориш ҳаракат қилмоқдалар, — дейди сут-товар фермаси мудири Музаффар Тожихонов. — Айни кунларда 328 бош соғин сигирнинг ҳар бирига бир суткада 15,5 озуқа бирлиги ҳисобида ем-хашак берилиб, 10 килограммдан ошириб сут соғиб олинмоқда. Соғиб олинган сутнинг ҳаммаси юқори сортларга сотилаётир.

Умуман бу хўжалик чорвадорлари йилдан-йилга гўшт, сут, тухум ва бошқа турдаги маҳсулотлар етиштиришни жадал кўпайтириб бораётирлар.

Бундай муваффақиятларга ишни бир маромда ташкил этиб, меҳнат интизомига риоя этилаётганлиги, ҳар бир ферма ходимининг ўз вазифасига масъулият билан ёндошаётганлиги туфайли эришилмоқда. Соғувчилар ўртасида Анастасия Чудная номидаги область мукофоти лауреати Маҳбуба Исаева, Тожи Исмоиловалар мўл ва серқаймоқ сут соғиб олиб, барчага ибрат бўлишяпти. Молбоқарлардан Ҳасан Исломов, Рашид Умаров, Шермат Ашуров, Юсуфбой Ёқубовлар қорамоллар маҳсулдорлигини оширишга катта ҳисса қўшяптилар.

Колхоз правлениеси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилоти чорвадорларнинг унумли меҳнат қилиб, яхши дам олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берган. Чорвадорлар уйида телевизор, радио бор. Газета-журналлар ўз вақтида келтириб турилибди. Сут соғувчилар, молбоқарлар ва озуқа цехи ишчилари ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Мусобақага ҳар ўн кунда якун ясалиб, ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб борилади. Улар шарафига Шон-шуҳрат байроғи кўтарилади.

Н. БОБОЖОНОВ,
С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

ҲОЗИРГИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА ИШЛАЙЛИК

БАРЧА совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг «Коммунист» журналида эълон қилинган «Ривожланган социализм талаблари даражасига қўтарайлик» мақоласини чуқур ўрганмоқдалар. Улар ушбу мақолада баён этилган қонда ва хулосаларга амал қилган ҳолда юксак талаблар даражасида ишлашга, ривожланган социализмни такомиллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшишга аҳд қилмоқдалар. Қуйида областимиз ишчилар синфи, деҳқонлари вакилларининг ўртоқ К. У. Черненко мақоласи хусусидаги фикр ва мулоҳазалари эълон қилиняпти.

СОН ЭМАС, СИФАТ БЎЛСИН

ПАРТИЯМИЗ, совет халқи КПСС XXVII съездига актив тайёргарлик кўрмоқда. Съездда олдимизга коммунистик жамият қурилиши бўйича янгидан-янги вазифалар қўйилади. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг «Коммунист» журналида эълон қилинган «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик. КПСС назария, стратегия ва тактикасининг баъзи актуал проблемалари» мақоласининг эълон қилиниши жуда катта аҳамият касб этди.

Мазкур мақола марксизм-ленинизм назариясига қўшилган буюк ҳисса бўлиб, унда ривожланган социализмнинг проблемалари илмий равишда жуда ёрқин асослаб берилган. Менга область Советининг депутати сифатида кишилар билан тез-тез учрашиб туриш, улар ўртасида турли мавзуларда суҳбатлар ўтказишга тўғри келади. Рўй-рост айтадиган бўлсам, ана шундай мулоқатлар пайтида коммунизм қурилишининг босқичларидан бири бўлган ривожланган социализм тўғрисида тушунарли қилиб гапириб беришга қийналар эдим.

Жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатни чуқур ўрганар эканман, кўпгина саволларга жавоб топдим. Умуман олганда ўртоқ К. У. Черненконинг мақоласи ҳар биримизга келгуси ишимиздa дастурламал бўлиб қолиши шубҳасиздир. Менга ишчи сифатида мақолада ҳар бир киши ўз иши учун тўлатўкис жавоб бериши зарурлиги тўғрисидаги кўрсатма, айниқса, маъқул тушди. «Ахир, кишилар брак учун, ўзлари харидор ўрнида бўлсалар сотиб олишни истамайдиган маҳсулотлар чиқарганлик учун иш ҳақи олишларига асло чидаб бўлмайди-ку», деб ёзади ўрток К. У. Черненко.

Афсуски, бизнинг фабрикамизда ҳам сон кетидан қувиб, тайёрланаётган маҳсулот сифати тўғрисида ўйламаётган ходимлар учраб туради. Меҳнатга бундай муносабатда бўлиш фақатгина катта иқтисодий зарар етказиб қолмасдан, ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган маънавий зиён ҳам етказади. Меҳнатга бундай муносабатда бўлиш ривожланган социализмни такомиллаштириш талабларига жавоб бермайди. Ахир, бизнинг ишлаб чиқариш фаолиятимиз ва ижтимоий онгимиз аввал қандай бўлса, шундайлигича қолаверса, такомиллаштириш тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин?

Биз бир жойда депсиниб туришимиз мумкин эмас. Аксинча тобора олға томон интилишимиз зарур. Ўртоқ К. У. Черненконинг мақоласидаги «Биз социализм ҳақида илмий назария ишлаб чиққан юксак, энг талабчан тасаввурларга қараб олға томон ҳаракат қилишимиз мумкин ва лозим» деган сўзлари совет кишиларига ана шундай чуқур ишонч руҳи билан суғорилгандир.

Ҳозирги пайтда партия биз, коммунистлар олдига жуда масъулиятли вазифани — ривожланган социализмни такомиллаштириш ғоясини ҳар бир киши қалбига ва онгига етказиш вазифасини қўйяпти. Бу партиянинг навбатдаги съездига тайёргарлик кўришда энг муҳим ишларнинг биридир.

Г. ПАТРУШЕВА,
Ангрендаги тикувчилик фабрикасининг ишчиси, область Советининг депутати.

МЕҲНАТГА ЯРАША

КОЛХОЗИМИЗ аъзолари ўн биринчи беш йиллик план-топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар. Беш йиллик бошидан бери экинлар ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги сезиларли даражада ортди. Давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планлари ва олинган мажбуриятлар ошириб адо этиляпти.

Қишлоқларда социал программа ҳам изчил амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида колхозимизда қишлоқ меҳнаткашларининг кўпгина хонадонлари газлаштирилди, янги турар-жойлар, дала шийпонлари қуриб битказилди. 1985 йилда барча хонадонларни газлаштириш тугалланиши кўзда тутилган.

Шу билан бир қаторда биз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантириш учун ҳали кўпгина фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигини ҳис этиб турибмиз. Масалан, қатор бригадаларимизда сабзавот ҳосилдорлиги ҳатто колхознинг ўртача даражасидан камдир. Ваҳоланки, бу бригадалардаги ер шароити, сув, техника, ўғитлар билан таъминланганлик илғорларникидан унчалик фарқ қилмайди.

Колхозимизда ўртоқ К. У. Черненконинг мақоласини муҳокама қилар эканмиз, ундаги қуйидаги сўзлар ҳаммага маъқул тушди: «Меҳнатга яраша ҳақ тўлаш, неъматларни тақсимлаш — энг одил иш эканлигига мамлакатимизда ҳеч ким шубҳа қилмайди ва шубҳа қилиши ҳам мумкин эмас. Ва, аксинча, бордию, ундан чекиниш ҳоллари мавжуд экан, агар машъум текисчилик авж олар экан, бу ҳол ҳаққоний равишда виждонни азоблайди, адолатсизлик деб тушунилади».

Бригада пудрати ана шу меҳнатга яраша ҳақ тўлашнинг энг самарали усулидир Ҳозирги пайтда хўжалигимиздаги барча деҳқончилик бригадалари ана шу усул асосида меҳнат қилишга ўтказилган. Биз ўртоқ К. У Черненконинг мақоласида баён этилган қонда ва хулосалар асосида бригада пудратини янада такомиллаштириш учун курашамиз. Бу қишлоқ меҳнаткашларимизга юксак пировард натижаларга эришиш имконини бериши шубҳасиздир.

У. УМАРОВ,
Бўстонлиқ районидаги К. Маркс номли колхоз ветерани, 1939 йилдан КПСС аъзоси.

Ўн биринчи беш йиллик зарбдорлари

КОНЧИ

Замира Ангрен кўмир разрезининг кончилари сафида ишлашни кўнглига тугди-ю, бунга қандай эришсам экан деб ўйланиб қолди. Бироқ, бу кўпга чўзилмади. Ниятининг эзгулиги туфайли турмуш ўртоғи ҳам унинг фикрини маъқуллади.

—Аҳдинг қатъий бўлса, ишга киришганинг маъқул, —деди у Замирага синовчан назар солиб. —Қийинчиликларга бардош бера олсанг бўлгани.

Меҳнатда суяги қотган ёш ишчи учун қийинчиликлар ҳам унчалик сезилмади. 1957 йили у ўз орзусига етишиб, кон участкаларининг бирида сараловчилик қила бошлади. Коллективнинг қайноқ ҳаётига қўшилиб, бошқалардек топшириқларни ошириб бажаришга ҳаракат қилди. Орадан бир неча йил ўтгач ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда корхонага қарашли ўқув комбинатининг машинистлик ихтисоси бўйича курсини тамомлади. Бу унинг ҳаётида янги саҳифалар очди. Замиранинг ишдаги масъуллиги ортди. Касбни пухта ўзлаштириб, ишни тез ва сифатли бажаришга одатланиб қолди.

Ушандан буён ўтган вақт ичида Замира Исроилова ўзининг ҳалол меҳнати билан коллективнинг ишчилари ўртасида обрў-эътибор топди. Ўзаро меҳнат беллашувларида пешқадамлик қилди. Ўнлаб шогирдлар тарбиялади.

Айни кунларда Замира Исроловани ҳамкасблари тажрибали кончигина эмас, балки жамоат ишларининг актив ташкилотчиси сифатида ҳам яхши ганишади. У кўмир резрези партия ташкилотининг аъзоси, хотин-қизлар Советининг раиси сифатида ҳам жонкуярлик билан фаолият кўрсатмоқда. Шахта меҳнатчиларининг ўғил-қизларини ўқитиш, бунинг учун мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида шароитларни яхшилаш борасида ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Тажрибали кончининг меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланаётир. У Ҳурмат Белгиси ордени ва бошқа бир неча медалларнинг нишондоридир. Замира опа шу кунларда ҳам фидокорона меҳнат қилиб, коллективнинг умумий ишига муносиб улуш қўшмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини бажаришда бошқаларга ўрнак бўлаётир.

А. КОСТИЧЕВ.

24 ФЕВРАЛЬ — Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар КУНИ

*

✦ **АГИТПУНКТЛАРДА олиб борилаётган сайловолди оммавий-сиёсий ишларнинг кўлами кенг, мавзуси хилма-хил, мазмуни салмоқли бўлиши керак. Бунинг учун агитаторлар аввалдан пухта ҳозирлик кўришлари, аниқ иш планига эга бўлишлари лозим. Пойтахтнинг Киров районидаги 7-сайлов участкаси агитаторларидан (суратда чапдан) Н. Ковальчук, Б. Акрамов, В. Иванов, Н. Садовскаялар бўлажак тадбирларга ҳар донм пухта тайёргарлик кўрадилар.**

С. Маҳкамов фотоси.

*

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

ПОЙТАХТ областимиз пахта далаларида ўтган йилги йиғим-терим палласида кўчма устахоналарга ўхшаш автомашиналарга тез-тез кўзимиз тушиб турди. Улар сезгир ўлчов асбоблари, турли хил мосламалар, анжомлар билан жиҳозланган бўлиб, аслида кўчма лабораториялар эди. Мутахассислар бу лабораторияларда пахта териш машинасининг «характерини» ўрганиш, такомиллашиши лозим бўлган узеллар ва қисмларини аниқлаш юзасидан изланишлар олиб боришди.

— Бундай лаборатория машиналарда,— дейди «Ташсельмаш» заводи директорининг ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи А. Берштин,— корхонамиз мутахассислари пахта далаларига чиқиб турдилар, кўпгина колхозлар ва совхозларда бўлиб, «зангори кема»ларнинг ишини кузатдилар.

Шуни очиқ айтиш керакки, бундай кузатиш кечагина бошлангани йўқ. У уч йилдан бери давом этмоқда. Лекин ҳамма комбайнлар бўйича эмас, фақатгина 50 та агрегат иш шароитларида текширувдан ўтказилмоқда. Бундай машина-лабораторияларда машинасозлардан ташқари пахтачилик учун машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси мутахассислари, қатор институтларнинг олимлари, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг вакиллари ҳам изланишлар олиб бордилар.

— Далаларга чиқиб бевосита пахта териш машиналари ишини йиғим-терим шароитида кузатиш яхши натижалар берди,— дейди, пахтачилик учун машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг конструктор-инженери Э. Жамилов,— Масалан, ҳайдовчиларнинг меҳнатини енгиллаштириш бўйича муҳим муаммо ҳал қилинди. Илгари пахта хомашёсининг бункердаги қолдиқлари қўл кучи ёрдамида туширилади. Конструкторларимиз қурилмалар комплексини ишлаб чиқдилар. Улардан фойдаланиш бу операцияни бажаришда қўл меҳнатини тўла бартараф этди. Бу билан техниканинг фойдасиз туриб қолиши маълум даражада қисқарди. Пахта йиғим-терими мавсумида ҳар бир дақиқа қимматли бўлганлиги учун ҳам бу катта аҳамиятга эгадир.

Мутахассислар ва олимларнинг пахта далаларига чиқиб туришлари пахта териш техникасининг техник даражасини ошириш бўйича тармоқ комплекс программасини яратишга ёрдам берди. Бу программанинг қатор пунктлари ҳозирги вақтдаёқ амалга оширилди. Масалан, 14 ХВ-2,4 пахта териш машинаси бункерига «оқ олтин»ни зичроқ жойлаштириш ва ХВН-1,2 комбайнининг ўт-ўланларни чиқариб ташловчи узелини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган чоралар кўрилди. Бунинг натижасида агрегатларнинг унумдорлиги 7—10 процент ошди. Бу янгиликларни жорий қилишдан олинадиган йиллик иқтисодий самара 3 миллион сўмликдан ҳам кўпроқ маблағни ташкил этади.

Техника тараққиёти— ютуқлар омили

Мутахассислар ва олимлар машинанинг айрим узелларини эксплуатация қилиш устидан ҳам кузатув олиб бордилар. Улар механик ҳайдовчилар, қишлоқдаги ремонт хизмати вакиллари билан суҳбатлар ўтказиб, уларнинг агрегат ҳаракатланувчи қисмларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган фикр-мулоҳазалари билан қизиқдилар. Қишлоқ механизаторларининг маслаҳати билан шпинделлар остки тирагининг мустаҳкамлиги оширилди, пахта териш аппаратлари съёмниги, бункерни кўтарувчи ва туширувчи гидравлик системанинг чидамлилиги оширилди. Бундан ташқари, механизаторлар конструктор ва машинасозларга ҳайдовчи иш ўрни шароитларини яхшилаш лозимлигини уқтирдилар. Ҳозирги вақтда мутахассислар конденционерли герметик кабина яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

Қишлоқ механизаторлари мутахассислар эътиборини шпинделларни ҳаракатга келтирувчи қисмлар хизматини ошириш имкониятларини қидириб топишга қаратдилар. Натижада янги ҳаракатлантирувчи мослама яратилди. Бунинг натижасида унинг хизмат муддати 3 баравар ортди. Халқ хўжалигига келтирилган иқтисодий самара салкам 1 миллион сўмликни ташкил этди.

Пахта териш машиналарининг қатор металл деталларини пластмассадан ясалганлари билан алмаштириш бўйича ҳам айрим ишлар қилинди. Машинанинг осиладиган қисми енгиллаштирилган тажриба партияси тайёрланди. Бундай агрегатларни тайёрлаш учун кетадиган металл миқдори 30 килограмм камайди. Рама марказий тўсининнинг мустаҳкамлигини ошириш ва айни вақтда унинг вазнини камайтириш ишлари олиб борилди. Ҳар бир шундай буюмда 20 килограммгача металл тежаб қолинадиган бўлди.

Мутахассислар ва олимлар пахта далаларида бўлишар экан, машина терими вақтида хомашёнинг исроф бўлишини камайтириш масаласига алоҳида эътибор бермоқдалар. Ҳозирги вақтда бундай ҳолатлар давом этмоқда. Уни камайтириш ва тўла бартараф этиш йўлида изланиш тўхтовсиз олиб бориляпти. Натижада пахта териш машиналари учун махсус қурилмалар яратилди. Бундай қурилмалар ғўзанинг пастки ярусларидан хомашёни тоза териб олиш имконини бермоқда. Анъанавий шпинделлар аррасимон лентали шпинделлар билан алмаштирилган янги пахта териш агрегатини яратиш бўйича ишлар давом этмоқда. Бундай шпинделлар анча вақт тоза ҳолда бўлади. Натижада уларни тез-тез тозалаб ва ювиб туришга ҳожат бўлмайди. Бу пахта хомашёсининг ифлосланишини камайтириш қатори чаноқларни тоза териш имконини беради.

Олимлар ва мутахассислар бункерларнинг сиғимини оширишдек яна бир муҳим муаммо устида ишламоқдалар. Қишлоқ механизаторлари ҳозирги тракторлар қуввати бункер ҳажмини ошириш имконини беришини айтдилар. Бунинг устига яқин вақтлар ичида юз от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқарилади. Конструкторлар механизаторларнинг ана шу мулоҳаза асосида бункери сиғими анча кўпайтирилган машиналарнинг тажриба саноат партиясини ишлаб чиқардилар. Бундай машиналар ўтган йилги пахта йиғим-терими мавсумида ўзини яхши кўрсатди.

«Ташсельмаш» заводи меҳнаткашлари бу йил 10 мингдан ортиқ пахта териш комбайнлари ишлаб чиқарадилар. Бу агрегатлар шу вақтгача тайёрланганларига нисбатан ҳар томонлама такомиллашган, ҳайдаш учун қулай, унумли бўлади. Олимлар, мутахассислар ва машинасозлар шу мақсад билан муттасил ҳамкорлик қилмоқдалар. Бу янада яхши самаралар беради.

Б. АКСАНИЧ,
инженер.

РЕСТАВРАЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг темирйўл цехида ҳаракат составининг ишлатилган ғилдиракларини пуркаш йўли билан реставрация қилиш жорий этилди. Ремонт муддати тўрт баравар қисқарди. Бу эса ҳаракат составининг бекор туриб қолишини камайтириш ва транспортда асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжини тўлароқ қондириш имконини берди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

КУЙИНЧАК, ДИЛКАШ, ТАЛАБЧАН

1969 йил эди ўшанда. Тошкент қишлоқ хўжалик техникумини битириб келган Турсунбойни комсомолёшлардан тузилган маккажўхоричилик бригадасидаги звенолардан бирига бошлиқ қилиб тайинлашди. Ёш мутахассиснинг техникумда олган назарий билимларини амалда қўллашида бригада бошлиғи Жўра Дадабоев катта ёрдам берди. Деҳқончиликда орттирган кўп йиллик бой тажрибасини эринмай ўргатди. Икки йилдан сўнг эса Турсунбой бригадага мустақил раҳбарлик қила бошлади.

Бу давр ичида бригада аъзолари салмоқли ютуқларни қўлга киритдилар. Маккажўхори ҳосилдорлиги анча ошиб, райондаги илғор коллективлар сафига қўшилишди. Бригада етакчиси Ўзбекистон комсомолининг XIX ва XX съездларида қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

...Орадан саккиз йил ўтди. Ўрта бўғин кадрларини танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш масаласи билан жиддий шуғулланаётган колхоз правлениеси бригада ва звено бошлиқларини тасдиқлашдан аввал улар билан бирма-бир суҳбат ўтказди. Навбат Турсунбойга келганда правление раиси Қодирали Эгамназаров кутилмаганда таклиф киритиб қолди:

— Мана, деҳқончиликда анча-мунча тажриба орттирдинг, иш ўрганиб, ишончли кадрларимиздан бири бўлиб қолдинг. Биз партком секретари билан маслаҳатлашиб, сени бошқа участкага ишга олсак, деган қарорга келдик. Ўзингга маълум, 2-участкадаги 2-бригада Турункасига беш-олти йилдан бери планни бажаролмаяпти. Шу бригадага ўтиб, уни қолоқликдан қутқарсанг...

Турсунбой бу таклифни кутмаган эди. Аммо ажабланмади, чўчимади. У қолоқ бригададаги шароитни биларди. Шунинг учун раис олдига битта шарт қўйди:

— Ҳамма гап сув таъминотининг чатоқлигида. Буни яхшилаш учун, аввало, икки километр узунликдаги эски ариққа бетон лоток ётқизиш керак. Правление шу томондан ёрдам берса бас, қолган ишларни ўзимиз қиларамиз.

Раис ҳам, партком секретари ҳам бригадирнинг шартини қабул қилишди. Турсунбой ишни бригада аъзолари билан маслаҳатлашишдан бошлади. Мавжуд 80 гектар майдон 19 майда картадан иборат эди. Уларни йириклаштириш учун техника, кўп ишчи кучи, айниқса, вақт керак бўларди. Баҳор эса кутиб турмайди. Устига устак тупроқнинг структураси ҳам ҳар хил. Қумлоқ, тошлоқ ерлар кўп, улар ниҳоятда камқувват.

Режалаштирилган ишларнинг айримлари биринчи йилиёқ амалга ошди. Энг муҳими сув таъминоти ҳал этилди. Қумлоқ ерларга бегона тупроқ ташланиб, нормадагидан уч баравар кўп гўнг солинди. Чигит ҳам барвақт экиб бўлинди. Ҳамжиҳатликда қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсатди: бригада аъзолари гектаридан 29 центнердан пахта ҳосили кўтариб, йиллик планни колхозда биринчи бўлиб октябрь ойининг бошидаёқ бажаришди.

Йиллар ортидан йиллар ўтди. Дала шийпони, деб аталган эски бостирма ўрнида ҳамма қулайликларга эга бўлган кўркам бино қад кўтарди, электр чироғи порлади. Радио, телевизор олиб келинди.

Қолоқ бригаданинг тез орада оёққа туриб илғорлар сафидан ўрин олиши учун ҳаммадан кўп Турсунбой Мирсолиев жон куйдирганлигини колхоз раҳбарлари ҳам, колхозчилар ҳам жуда яхши билишади.

Бригада механизатори Мамажон Ғафуров:

— Бригадиримиз ғайратли йигит. Ҳар бир ишни ишонч ва меҳр билан бажаришга одатланган. Доимо коллектив манфаатини ўйлайди.

Бригада сувчиси Андарбек Султонов:

— Ёш бўлса ҳам қатъиятли. Ҳар биримизнинг тўюмаъракамизда бош-қош. Далада эса қўл учида ишловчиларни ёқтирмайди. Интизомни яхши кўради. Дилкаш, аммо талабчан.

Бригада ҳисобчиси Азимжон Ражабов:

— Бригаданинг ҳар бир сўм пулини шахсан текшириб боради. Сарф-харажатда жуда тежамкор. Шунинг учун ҳам ҳар йили бригадамиз аъзолари колхозда энг кўп даромад оладилар.

Бригада сувчилари Шоберди Комилов, Баёр Исломовлар ҳам, оддий колхозчилардан Хурсаной Турсунова, Улбуш Ашурова, Зеби Кенжаевалар ҳам бригада бошлиғи ҳақида ҳурмат-эҳтиром билан гапирадилар.

Бригадада йилдан-йилга ҳосилдорлик ортиб бораяпти. Аввалги 19 та майда-майда экин майдонлари йириклаштирилиб, 6 та яхлит карта ҳосил қилинди. Уватлар, кераксиз ариқлар текисланиб, тупроғи қумлоқ майдонларга солинди. Ерлар яхши текисланди. Яхлит карталарда культивация, суғориш, машинада пахта териш анча қулай бўлиб қолди.

— Ҳамма бригадирлар ҳам Турсунбой сингари тадбиркор бўлса, ишларимиз янада юришиб кетарди,— дейди колхоз раиси Қодирали Эгамназаров. — 1984 йилда бригадада ҳосилдорлик 32 центнердан оширилди. Бу йил эса ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаяпти.

Яқинда Турсунбой Мирсолиевни ҳамқишлоқлари 79-Пушкин сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди.

— Мен каби оддий бригадир учун бу жуда катта ишонч, — дейди у, — қувонмай бўладими. Аммо мен учун тўлиқ кўчат олинган кун энг қувончли бўлади. Иккинчидан, план тўлган куни қувончим ичимга сиғмай кетади. Учинчидан, пировард натижанинг даромадидан бригада аъзолари хушнуд бўлишганда жуда қувониб кетаман. Бир йиллик чарчоқ бир зумда ёзилиб кетади. Бунинг муҳим томони шундаки, бошқа бригадалар ҳам ҳавас қилиб эргашишади. Ҳаммага ўрнак бўладиган меҳнатнинг гашти ҳам шунда-да!..

Ф. ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз.

АГИТПОЕЗД ХИЗМАТДА

Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўладиган сайловларга тайёргарлик ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи ва умуман беш йиллик топшириқларини бажариш учун умумхалқ кураши қизғин тус олган, КПСС XXVII съездига актив ҳозирлик кўрилаётган бир пайтда амалга оширилмоқда.

Бошланган сайловолди кампаниясининг асосий ғояви-сиёсий мазмуни партия XXVI съезди ғояларини, СССР Конституцияси қоидаларини, партия сиёсатини кенг пропаганда қилишдан иборатдир. Суҳбатларда экономика ва маданиятни ривожлантиришда, социал ва гражданлик ҳуқуқларни кенгайтиришда, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш ва уларнинг маънавий талабларини қондиришда, жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда эришган ютуқларимизни ёрқин ва ишончли, жонли мисолларда кўрсатиб бериш лозим.

Бунда идеология ходимларининг роли айниқса, каттадир. Улар сайлов кампаниясини муваффақиятли ўтказишни, коммунистлар ва партиясизлар блокининг ғалабасини ташкилий ва идеологик жиҳатдан таъминлашни ўз вазифалари деб билмоқдалар.

Районда сайловолди тайёргарлик кампанияси тобора қизитилмоқда. Жойларда ташкил этилган 25 та агитпунктда сайловолди тушунтириш ишлари авж олдирилаяпти. Агитпунктлар талаблар даражасида жиҳозланган, етарли тайёргарлиги бўлган кишилар агитатор қилиб тайинланган. Бу борада «Пискент» совхози, пахта тозалаш заводи қошида ташкил этилган агитпунктлар фаолияти характерлидир. Бу агитпунктларда пухта иш плани тузиб олинган, планнинг бажарилиши бошланғич партия ташкилотлари томонидан қатъий назорат қилиб борилмоқда.

Райондаги 400 нафар агитатор ҳамда 123 сиёсий ахборотчи ҳозир қизғин иш устида. Улар сайловолди тушунтириш ишларини олиб боришда маҳаллий фактлардан унумли фойдаланиб районимизда сайловдан сайловгача бўлган даврдаги ўзгаришлар ҳақида тингловчиларга кенг ва муфассал ҳикоя қилиб бермоқдалар.

Райондаги 5 та сайловчилар клуби ва 25 та агитпунктда юристлар ўтказиладиган суҳбат ва лекция тематикалари тузилган. Биринчи овоз берувчилар билан меҳнат ва партия ветеранларининг учрашувлари ўтказилмоқда.

Сайловчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун иккита агитпоезд ташкил этилди. Агитпоезд таркибида район матлубот жамиятининг кўчма дўкони, марказий район касалхонасининг кўчма амбулаторияси, район маданият уйининг «Оқ олтин» ансамбли, район «Билим» жамияти лекторлари бор.

Ўтган хўжалик йилини зафарли якунлаган районимиз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини ҳам муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар. Колхоз ва совхозларда, корхона ва муассасаларда бўлиб ўтаётган сайловолди йиғилишларининг қатнашчилари зиммаларидаги вазифаларни бажара бориб, Советларга бўладиган сайловларни муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар, районимизнинг энг яхши ўғил-қизлари номзодини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

М. МИРКАМОЛОВ,
Пискент район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

ДЕВОРИЙ ГАЗЕТА МАВЗУСИ—САЙЛОВ

«Ёш сайловчилар» деворий газетасининг дастлабки сони тайёр бўлиб, кўргазмалар тахтасига осиб қўйилгач, уни аввало, агитпунктнинг ёш агитаторлари қизиқиб кўздан кечиришди. Ўзларига топширилган вазифани аъло даражада бажараётган агитаторлар ўз исм-шарифларини деворий газетада кўриб, хурсанд бўлишди.

—«Ёш сайловчилар» деворий газетасини ташкил этганлигимиз бежиз эмас,— дейди Оққўрғон район маданият уйида жойлашган 9-сайлов участкаси агитпункти мудири Э. Саидумаров. —Аввало, сайлов участкаларидаги агитаторларни асосан ёшлардан танлаганмиз. Иккинчидан, участка территориясида ёш сайловчилар, бу йил биринчи марта овоз берадиган йигит-қизлар ҳам кўп. Деворий газета саҳифаларида ёш агитаторларимизга сайловчилар билан ўтказиладиган оммавий-сиёсий ишлар мавзусини белгилаш ва қизиқарли ўтказиш юзасидан амалий маслаҳатлар бериб борилади. Ёш сайловчилар эса деворий газета орқали совет ва буржуа сайлов системалари, ўзлари сайлаётган депутатлари ҳақида аниқ маълумотлар оладилар.

Ҳамза номли 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчилари Ш. Толипова, М. Авубакирова, К. Чолдибоева, агитпункт рассоми Ў. Жалолов, оддий ишчи З. Аҳмедова, тикувчи Г. Эгамбердиева каби ёш агитаторлар ўзларига биркитилган маҳаллалардаги сайловчиларни рўйхатга олиш жараёнида уларнинг талаб ва истакларини ҳам ёзиб бормоқдалар ва натижасини ўз вақтида маълум қилмоқдалар.

Г. МАМБЕТОВА.

БУ МУАММОЛАРНИ ТЕЗРОҚ ҲАЛ ЭТАЙЛИК

Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози меҳнаткашлари республикамиз юбилейи йилини меҳнатда муносиб совғалар билан якунладилар. Йил давомида эл дастурхонига 3604 тонна турли хил маҳсулотлар етказиб берилди. Суғориладиган 729 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 270 центнердан турли хил маҳсулот етиштирилди.

Тўғри, бир қаришда колхозда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш планлари ортиғи билан бажарилди. Ҳосилдорлик ҳам шунга яраша яхши бўлди. Бироқ хўжаликда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ирригация ишларини кенг кўламда олиб бориш яна ҳам яхши йўлга қўйилганда эди, бундан ҳам юқорироқ натижаларга эришиш мумкин бўлар эди. Афсуски, бу борада колхозда оқова сув ташловчи коллектор-дренажларни тозалаш, сув йўлларини равон қилиш учун зарур тадбирлар кўрилиши керак. Ерларнинг структураси бузилиб, шўрлаб кетди. Натижада айрим тур экинлари ҳосилдорлиги давлат планида белгиланганидан анча паст бўлди. Ҳар гектар ердан пландаги 500 килограмм ўрнига 315 килограммдан пиёз уруғи олинди. Чунки ишлов давомида пиёз беш-олти марта ўрнига сув шохобчаларининг носозлиги туфайли атиги 1,5—2 марта суғорилди. Шунингдек 70 гектар майдонга экилган маккажўхори ҳам беш ўрнига икки марта суғорилганлиги оқибатида ҳосилдорлик паст кўрсаткичларда қолиб кетди.

Албатта, бу камчиликларнинг объектив сабаблари ҳам бор. Хўжалик экин майдонлари сув шохобчаларининг қуйи қисмида бўлганлиги сабабли бу ерларга зарур миқдордаги сув етиб келмайди. Колхоз меҳнаткашлари экинлар қуриб қолмаслиги учун коллектордаги оқова сувларни насослар ёрдамида қайтадан тортиб олиб, суғориш ишларини бажаришга мажбур бўладилар. 1984 йилнинг ўзидаёқ шу мақсадда 14 та қўшимча сув насоси ўрнатилди. Бироқ бу ҳам ўз ўрнида бошқа бир муаммони келтириб чиқарди. Чунки сув насосларидан 6 таси электр токи ёрдамида, қолганлари эса қишлоқ хўжалиги тракторларига ажратилган ёнилғи ҳисобига ишлатилди. Оқибат нима бўлди? Ёнилғи етишмаслиги натижасида баъзи кунларда ҳайдов тракторлари тўхтаб қолаётир, пайкалларни шудгорлаш ишлари кечикди.

Яна бир жиддий муаммони айтиб ўтиш лозим: «ТашГРЭСга ўрнатилган насос станциясининг учинчи қисми ишга туширилгач Ивиш ва Оқтепа каналларига сув сиғмай қоладди. Чунки бу каналларнинг сув сиғими кам, устига-устак яхши тозаланмаганлиги учун анча саёзлашиб қолган.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА!

— Биз бу муаммоларни ҳал этишда ёрдам беришларини сўраб бир неча бор район сув хўжалиги тармоқлари бошқармаси ва «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси раҳбар-мутахассисларига мурожаат қилдик,— дейди колхоз бош агрономи О. Эргашев.— Бироқ ҳанузгача тайинли ёрдам ололмаяпмиз. Аксинча, маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳар йили ортиқча маблағ-харажат қўшилгача мажбур бўлаяпмиз. Шунга кўра колхозчиларимизнинг йиллик меҳнат даромадлари ҳам кўнгилдагидек бўлмаётир. Биз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш бўйича 1985—1990 йилларга мўлжалланган тадбирларни белгилаб олдик. Мабодо, юқори ташкилотлар хўжалигимизни зарур техника ва материаллар билан таъминламасалар, бу вазифаларни тўла-тўкис амалга оширишга ўз кучимиз етмайди.

Дарҳақиқат, колхоз правлениеси тасдиқлаган тадбирларда хўжаликлараро сув шохобчаларидан 11,1 километри тозаланиши, 33 минг 309 куб метр ҳажмда тупроқ ишлари бажарилиши кўрсатилган. Хўжаликнинг ўзидаги сув йўлларидан эса 8,8 километри равонлаштирилиб, 17 минг 600 куб метр тупроқ ишлари бажарилиши, шунингдек, 3,55 километр масофада ёпиқ дренажлар барпо қилиниши керак.

Ивиш каналини тўла бетонлаштириш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Қўшимча равишда каналнинг 1,40 километрлик масофадаги иккинчи тармоғига «ЛР-60» маркали лотоклар ётқизилади. Оқтепа канали қайта тозаланади. Айни вақтда хўжаликда 10 километрлик темир-бетонли сув йўли барпо қилинади. Шунингдек келгуси беш йилликда 180,9 гектар ер капитал текисланиб, 45,5 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Экин майдонларидан 445 гектарининг унумдорлиги оширилади.

Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан колхозга бериладиган ёрдамга боғлиқ. Зеро, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил Октябрь Пленумида ўртоқ К. У. Черненко «Суғориладиган ва захи қочирилган ерларга талаб этиладиган нарсаларнинг ҳаммаси: ўғит, техника, экинларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари, шу жумладан, системалардан фойдаланиш учун бошқа барча моддий-техника ресурслари бекаму кўст етказиб берилиши лозим» деб, уқтириб ўтган эди. Район сув хўжалиги тармоқлари бошқармаси ва «Госкомсельхозтехника» бирлашмаси раҳбарлари ҳамда мутахассислари ана шу кўрсатмалар асосида суғориш муаммоларни ҳал этишучун амалий ёрдамларини аямайдилар, деган умиддамиз.

Р. СОБИРОВ.
«Коммунизм тонги» газетаси ходими.



● **ОҚҚУРҒОН районидаги Навоий номли колхозда мавжуд техника воситаларини мавсумга тайёрлаш қизғин кетяпти. Ҳозиргача чигит экиш сеялкалари ва бошқа кўпгина техникалар тўла ремонтдан чиқарилди. Тайёр машина-механизмлар сифат комиссияси томонидан қабул қилиб олинмоқда. Суратда: колхоз бош инженери Эргаш Ваккосов ва хўжалик халқ контроли группаси аъзоси Зафар Раззоқовлар тайёрлик чизиғида турган сеялкалар ремонти сифатини кўздан кечиришмоқда.**

П. Эргашев фотоси.

КЎЧАТЛАР ЯЙРАТИЛМОҚДА

КАЛИНИН. (Ўз мухбиримиздан). Экинлардан олинадиган ҳосилнинг миқдори, сифати кўпроқ уруғнинг нави, қандай тайёрланганлигига боғлиқдир. «Бўзсув» совхози меҳнаткашлари ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Чунки хўжалик уруғчиликка ихтисослаштирилган. Бу йил совхозда ўтган йилдагидан анча кўп, яъни 113 тонна ҳар хил турдаги сабзавот экинларининг уруғликлари етиштирилиши керак.

Ана шу мақсадда эрта куздан иш бошлаб юборилди. Ҳосилдан бўшаган далалар пешма-пеш ҳайдалди. Ҳозирга қадар 860 гектардан ортиқ майдон ҳайдалди. Шундан 160 гектари 40 сантиметр чуқурликда ҳайдалди.

Хўжалик меҳнаткашлари шу кунларда эрта баҳорда далага чиқариб экиш учун сабзавот кўчатларини тайёрламоқдалар. Теплицада кундан-кунга иш қизитилмоқда. Барвақт сепилган карам кўчатлари бир текис униб чиқиб, яхши етилмоқда. Шу кунгача 300 минг туп карам кўчати яйратиб қўйилди.

Далага ўғит ташиб чиқариш ҳам жадаллаштириб юборилди. Бу йил план бўйича 14 минг тонна гўнг тайёрланиши керак. Ҳозиргача ана шу ҳисобдан 6 минг тоннага яқин гўнг далага ташиб чиқарилди. 1200 тонна компост тайёрланди. Ўзаро мусобақада совхознинг 1-бўлими деҳқонлари олдинда бормоқдалар. Бўлимга тажрибали сабзавоткор Ҳамидулла Мирзаев раҳбарлик қилаётир.

— Биз бу йил 50 тонна уруғлик етиштирамиз,— дейди бўлим бошлиғи.— Бунга ҳозирдан пухта замин яратилаётир. Совхозда техника ремонти ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Бу ишда 25 киши қатнашаётир. Ҳозиргача 15 та трактор дала ишларига шай қилиб қўйилди. Механизаторлардан П. Умарбеков, М. Арзаҳонов, М. Ярашбоев сингари ўртоқлар кўзги-қўшки дала ишларида активлик кўрсатиб, кўпчиликка ўрнак бўлмоқдалар.

САБЗАВОТ КЎПАЯДИ

БЎСТОНЛИҚ. (Жамоатчи мухбиримиздан). Жданов номли колхознинг Сарибой Ибраев бошлиқ бригадаси сабзавоткорлари ҳар йилдагидек ўтган йили ҳам экинлардан мўл ҳосил етиштириб, план ва топшириқларни ошириб бажардилар.

— Биз бундай ютуққа,— дейди бригадир,— энг аввало ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланаётганлигимиз, далага сара кўчат чиқариб экиб, парвариш ишларини агротехника қоидалари асосида ташкил этаётганлигимиз туфайли эришмоқдамиз. Бригадамиз колхознинг бошқа бригадаларига ҳам кўчат етказиб беришга ихтисослаштирилган. Бу йил ҳаммаси бўлиб 3 миллион туп кўчат тайёрлашимиз керак.

Шу мақсадда теплицадаги майдонлар сифатли ҳайдалиб, ўғитланиб, қўйилди. Карам уруғи барвақт сепилди. Ҳозир қийғос униб чиқкан. Эрта-индин уларни яратиб ўтказишга киришиладди. А. Қолдибеков, С. Мирзабеков, Г. Илёсова, О. Абдурахмонова сингари колхозчилар теплицадаги ишларни сифатли бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Шунингдек, 7 миллион туп помидор кўчати тайёрлаш учун 10 минг квадрат метр жой ҳам тахт қилинди.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Бузилмас қардошларча иттифоқ асосида

БЕРЛИН. (ТАСС). ГДРнинг барча соҳаларда жўшқин ривожланиши СССР билан бузилмас қардошларча иттифоққа асослангандир, деб ёзади ГБСП Марказий Комитетининг органи «Нойес Дойчланд» газетаси мамлакатни 1984 йилда социал-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган бош мақоласида.

Совет Иттифоқи билан илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорликни 2000 йилгача бўлган даврда янада кенгайтириш истиқболлари, шунингдек бошқа қардош мамлакатлар билан яхши баҳамжиҳат ҳаракат натижалари ГДР социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга фаол ҳисса қўшаётганлигидан далолат беради.

ГДР ташкил этилганлигининг 35 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборган миллионлаб меҳнаткашларнинг юксак даражадаги ютуқлари ва ижодий ташаббускорлиги туфайли 1984 йил мамлакатнинг бутун тарихидаги энг муваффақиятли йил бўлиб қолди. ГДР меҳнаткашлари ишчилар синфи партияси раҳбарлигида социалистик ватанни мустаҳкамлашга ва тинчликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

ҚОНУНИЙ ЧОРА

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон ҳукумати Бхопал шаҳридаги кўп миллатли «Юнион карбайд» корпорациясига қарашли химия заводини национализация қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқмоқда, деди химия саноати ва ўғит ишлаб чиқариш министри В. Патил парламент сессиясида. Унинг сўзларига кўра мана шу қонуний чора фожианинг такрорланишига йўл қўймаслиги зарур. Маълумки ана шу фожиа натижасида неча минглаб киши ҳалок бўлган, жуда кўп киши эса тузалмайдиган майиб-мажруҳ бўлиб қолишган эди. Маҳаллий газеталарнинг хабар қилишларича, ўтган ой мобайнида яна 43 киши газ билан заҳарланиш оқибатида пайдо бўлган касалликлардан вафот этишган.

Мамлакат қонун чиқарувчи олий органи сессиясининг қатнашчилари «Юнион карбайд» корпорациясининг хўжайинларига нисбатан қаттиқ қатъий чоралар кўрилишини талаб қилдилар. Қотил компаниянинг корчалонлари, деб таъкидлади давлат юстиция министри Х. Р. Бхарадваж, суд олдида жавоб беришларни ва Ҳиндистон қонунларини бузганликлари учун, жумладан заводда заҳарловчи моддалар билан маҳфий эксперименталр ўтказилганлиги учун муносиб жазо олишлари керак.

НИКАРАГУАГА ҚАРШИ ТУҲМАТ-БЎҲТОН

МАНАГУА. (ТАСС). Вашингтон Никарагуага қарши радиопропагандани кучайтирди. Бу пропаганда Рейган маъмуриятининг сандиночилар халқ революциясини йўқотишга қаратилган жиноий режаларининг таркибий қисмидир. Коста-Риканинг Никарагуа чегараси яқинидаги шимолий районида янги радиостанция — «Америка овози» радиостанциясининг филиали эфирга чиқди. «Америка овози» аллақачондан буён ашаддий туҳмат-бўҳтондан иборат эшиттиришлари билан халқаро иқлимни заҳарлаб келмоқда.

Оқ уй Коста-Риканинг чет эл радиостанциялари фаолиятини тақиқловчи қонунларини бузиб, унинг территориясидан Никарагуага қарши психологик урушни ва игвогарлик кампаниясини кучайтириш учун фойдаланмоқда. Вашингтоннинг пропаганда қозонида тайёрланадиган эшиттиришлар Никарагуадаги қонуний ҳокимиятни, унинг Сомоса режими агдариб ташлангандан кейин социал-иқтисодий соҳада эришган муваффақиятларини обрўсизлантиришга қаратилгандир. Айни вақтда «Америка овози» филиали МРБ хизматида бўлган сомосачи контрреволюцион шайкаларнинг қонли жиноятларини оқлашга уринмоқда.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ДОИМИЙ ВА МУҲИМ МАВЗУ»

Газетанинг ўтган йил 20 декабрь сонида Ўрта Чирчиқ район «Машъал» газета редакцияси коллективи чорвачилик соҳасини эътибордан четда қолдираётганлигини кўрсатиб ўтилган эди. Жумладан, «Чорвачилик — зарбдор фронт» деб эълон қилинган бир даврда газета саҳифаларида район ҳаётига тааллуқли бўлмаган бошқа мавзулардаги материаллар кўпайиб қолганлиги, чорва маҳсулотларини кўпайтириш, қишлоннинг қандай ўтаётганлигини акс эттирувчи материаллар камроқ берилаётгани кўрсатилган эди.

Ана шу мақолага Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари Т. Бегматовадан жавоб олинди. Унда айтилишича, газетада босилган обзор «Машъал» газета редакция коллективи ва бошланғич партия ташкилотининг қўшма йиғилишида муҳокама қилинган, кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилган.

Редакция коллективи обзорда кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш тадбирларини амалга оширмоқда. Шу кунларда газета саҳифаларида чорвачиликка оид материаллар мунтазам бериб борилмоқда.

ТАРБИЯ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ БУРЧИМИЗ

ЯҚИНДА бир ташкилотнинг юбилей кечасида иштирок этдим. Кеча ортиқча дабдабасиз, ниҳоятда оддийгина ўтди. Таклиф қилинган йигирма-ўттиз кишининг ҳаммаси бир неча йиллар илгари шу ерда ишлаб кетган ва ҳозир ҳам ишлаётган кишилардан иборат эди. Деярли ҳаммага сўз берилди, ҳамма гапирди. Ҳамма гаплар жуда самимий ва мароқли эди. Айниқса, ўрта ёшдаги бир аёл сўзлаётганида, унинг ҳикоясига ҳам юраги эзилиб, ҳам фахрланиш туйғусидан кўзи ёшланган одамларни кўриш мумкин эди.

Аёлнинг ўзи ҳам, турмуш ўртоғи ҳам шу идорада ишлашган экан. Сўнг... эри бевақт оламдан кўз юмибди. Беш бола ёш қолибди... Тўнгич ўғли яқинда кандидатлик диссертациясини ёқлабди. 25 ёшида физика фанлари кандидати бўлибди. Онанинг ифтихор билан айтишича, бунда устозлар—ажойиб инсонларнинг оталиғи, самимий меҳр-муҳаббати катта роль ўйнаган.

Ўғлининг йигирма беш ёшида фан кандидати бўлиши аввало ўша ўғилнинг ёшлигидан тарбияси пухта бўлганида, яхши муҳитда унинг қобилияти ривожланиб, камол топиб борганида. Қолаверса, она номларини эъзозлаб тилга олган устозларининг ҳар қандай таъмадан йироқ бўлган соф инсоний муносабатларида — ҳақиқий мураббийга ҳос кенг феъл ва катта қалб эгаси эканликларида. Аёл бу гапларнинг илдизини олиб келиб эри билан ўзи дастлаб таълим олган бугунги юбиляр ташкилот коллективининг ролига тақади. Унинг гаплари ниҳоятда самимий эди!..

Мен беихтиёр хаёлга толдим. Баъзи кўнгилсиз, бахтсиз воқеа-ҳодисалар кўз олдимдан бир-бир ўтаверди. Хизмат тақозоси бўйича улар билан деярли ҳар куни учрашаман—гоҳ ҳаётда ўзлари билан, гоҳ идорада қоғоздаги ҳужжатларда. Мана, улардан бири. Маҳмуджон Аҳмедов ўрта мактаб ўқувчиси. 1968 йилда туғилган. Бу ўсмир эрта-индин мактабни битиради. Сўнг... институтга кириши, юқоридаги йигит каби уч йилда кандидатлик диссертациясини ёқлаши мумкин эди. Жуда мумкин эди. Нега мумкин бўлмасин? Улар ахир бир жамиятда яшашяпти, бир хил мактабда билим олишяпти, бир шаҳарда истиқомат қиладди, бир хил ҳаводан нафас оляпти. Нега энди улардан бири олим бўлади-ю, иккинчиси жиноятчи? Ҳали мактабни тугатмасидан туриб қора курсига ўтиради? Нега? Ким айбдор?

Оиладаги муҳит ва тарбия.

Гапнинг очиғи, тарбияси бузилган, жиноят содир қилган бирон-бир ўсмир ҳақида гап кетганида бўлар-бўлмасга мактаб коллективини айблайверишга мен унчалик кўшилмайман. Чунки айнан ўша жиноятчи бола ўқиган мактабда, айнан ўша синфда ўнлаб бўлажак олимлар, малакали мутахассислар, турли касб эгалари етишиб чиқиши мумкин. Ахир мактаб ўқитувчиси ҳар бир ўқувчига алоҳида дарс ўтмайди-ку! Ахлоқ-одоб ҳақидаги таълим-тарбия ҳам ҳаммасига бир берилади. Шунга қарамай бир гулзордаги гуллар орасидан тиканак ҳам ўсиб чиққанидек, баъзан айрим ўсмир жиноят содир қилади.

Энг муҳими шундаки — гуллар орасидаги ўша «тиканак» униб чиқаётганини дарҳол пайқаб олиш, вақтни бой бермай, унга эътибор бериш керак. Ҳа, алоҳида эътибор зарур. Афсуски, мактабларда ҳам гоҳида ана шундай эътиборсизликка йўл қўйиб қўямиз. Мана бир мисол.

Маҳмуджон анчадан буён синфга «кайф» билан келарўтган йили 13 сентябрда мактабга ичкилик ичиб келди. Ўз иши билан шуғулланиб ўтирган секретарь қизга тегажоғлик қила бошлади. Йигитча ҳаддидан ошавергач, қизча ёрдам сўраб мурожаат қилди. Яхши гап билан йигитчани ўз ҳолига қўйиб қўймоқчи бўлишди. Лекин Маҳмудга бу кор қилмади. Тартибга чақирган кишига мушт кўтарди, унга тан жароҳати етказди.

Натижа — Маҳмуджон Аҳмедов суд курсисига ўтирди, ўн етти ёшида.

Нега! Нима сабаб?

Оиладаги муҳит, оиладаги тарбиянинг бўшлиги сабаб. Ҳа, худди шундай. Наҳотки Маҳмуднинг оғзидан келаётган спиртли ичимлик ҳидини уйдагилар сира пайқашмаган бўлса? Нега ичганини, ичкилик учун пулни қаердан олганини сўраб-суриштиришмади? Уйда у билан ишлари бўлмагач, ичаверди. Оқибати маълум.

Афсуски,. бундайлар ҳаётимизда, атрофимизда учраб туришади. Уларнинг, вояга етмаган ёшларнинг жиноий ишини варақлаётиб, юрагинг эзилади, ачинасан киши. Ахир, уларнинг ўн гулидан бир гули очилмаган-ку! Наҳотки мустақил ҳаётга пойиза қадам қўйишдан олдин жиноят кўчасига кириб қолишса?! Ўсмирнинг, мустақил қадамларини жиноятдан бошлаётганларнинг тақдири ҳаммамизни ташвишлантирмоғи лозим.

Ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси Алишер Турабовнинг қилмишини олиб кўрайлик. «Иш»ни майда ўғирликдан бошлади. У бир куни эски шаҳар бозори атрофида биров қўлидаги сумкага «жинси» шим солаётганини кўриб қолди. Пайт пойлаб ана шу сумкани эгасининг қўлидан юлиб олдида, қоча бошлади. Лекин милиция ходимларининг қўлига тушди.

Алишер қорни очлиги ёки эгни юпунлигидан, муҳтожлигидан бировнинг нарсасини ўғирламоқчи бўлдими? Асло! Бебошлик, текин пулга бўлган мойиллик, қолаверса ёмон тарбиянинг оқибати бу!

Тарбиянинг боши —оила, ахлоқ-одоб, ҳалоллик, хулқатворининг шаклланиши оиладан бошланади. Бу борада кўпчиликка маълум бўлган бир ривоятни яна таъкидлаб ўтишни истардим: бир одам донишманддан фарзанд тарбиясини неча ёшдан бошлаш мумкинлигини сўрабди.

— Фарзандингиз неча ёшда?— сўрабди донишманд.

— Эндигина олти ойлик бўлди,— жавоб берибди у одам.

— Демак, олти ой кечикибсиз!— дебди донишманд.

Айни ҳақиқат! Ҳар бир ўғил-қиз тарбиясини мурғаклигидан бошлаш лозим. «Ҳали нимани тушунарди, ёш, кейин тарбиялаб оламиз» деб ўйлаш нотўғри тушунча. Болаларимиз ёшлигиданоқ уларни тўғри йўлдан олиб юрсак, ҳар бир қадамини билиб босишга ўргатсак, кейин афсус чекмаймиз. Бу ҳаммамизнинг жамият олдидаги бурчимиз, энг масъулиятли вазифаларимиздандир.

Ёқуб БОЗОРБОЕВ,
Тошкент область юстиция бўлимининг бошлиғи.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● АНҚАРА. Истамбул фавқулодда ҳолат суди Туркия ёзувчилар уюшмасининг 19 раҳбарларини оқлади, деб хабар қилади маҳаллий УҲА ахборот агентлиги. Бундан икки йил аввал коммунистик фаолият кўрсатган ва пропаганда ишларини олиб борганликда айбланган уюшма бош раиси, бутун жаҳонга машҳур сатирик ёзувчи А. Несин ва Туркиянинг бошқа адиблари сўнгги суд мажлисида оқланди.

Суд Туркиянинг таниқли ёзувчилари билан бирдамлик кенг кампанияси натижасида шундай қарор қабул қилди.

● ТОКИО. Бу ерда 1981—1985 йилларга мўлжалланган даврда СССР билан Япония ўртасида товар айирбошлаш ва тўлов тўғрисидаги битим қандай бажарилаётганлиги юзасидан Совет-Япония музокаралари бошланди. Музокараларнинг қатнашчилари иккала мамлакат ўртасидаги савдо муносабатларига оид кўпгина масалалар, хусусида ўзаро фикрлашиб оладилар. Музокараларни очиш маросимида томонлар ўтган йил декабрда Токиода бўлиб ўтган иқтисодий ҳамкорлик Совет-Япония ва Япония-Совет комитетларининг IX қўшма кенгаши муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтдилар. Бу кенгашда иккала мамлакат экономикасини ўзаро юксалтириш, улар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтириш таъкидланган. Киодо Цусин агентлигининг уқтириб ёзишича, бу галги музокаралар СССР билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ишига хизмат қилади.

(ТАСС).

● **ҲИНДИСТОНДАГИ Висакхапатнама шаҳрида Совет Иттифоқининг ёрдамида янги металлургия заводи қурилиши бошланди. Унинг биринчи домнаси Жанубий Осиёда энг йирик бўлади.**

Суратда: домна қурилишида меҳнат қилаётган бир гуруҳ совет ва ҳинд мутахассислари.

С. Кармалито фотоси.
(ТАСС).

РАКЕТАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТЎХТАТИЛСИН!

БОННН. ГФР тинчликсевар жамоатчилигининг ядровий қуролланиш пойгасига қарши кенг ҳаракатига қудратли туртки берган «Крефельд хитобномаси»нинг ташаббускорлари ГФР Бундестагнинг ҳамма фракцияларига ва ҳукуматга мурожаат этиб, мамлакатда Американинг биринчи зарба урадиган ядровий ракеталарини ва бошқа оммавий қирғин воситаларини жойлаштиришни дарҳол тўхтатишга эришиш чораларини кўришга чақирдилар. (ТАСС).

ШАФҚАТСИЗ ЖАБР-ЗУЛМ ШАРОИТИДА

ПАНАМА. (ТАСС). Гватемала халқи ҳукмрон америкапараст режим партизанлар ҳаракатини ҳамда аҳоли кенг табақаларининг демократия ва социал адолат учун олиб бораётган курашини бостириш мақсадида авж олдириб юборган жабр-зулм ва репрессия шароитида яшамоқда.

Кейинги олти ой мобайнида, деб уқтиради газета, Гватемалада ҳарбийларнинг жазо чоралари натижасида 20 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлди. Армия, полиция ҳамда режим хизматида бўлган машъум «ажал эскадронлари» партизанларга ҳайрихоҳликда шубҳаланган кишиларнинг ҳаммасини қириб ташламоқдалар. Мамлакатнинг бир миллиондан кўпроқ граждани таъқиблардан қочиб, туғилиб ўсган жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Мексика территориясининг ўзидагина қочоқларнинг лагерларида гватемалаликлардан юз мингга яқин киши бор.

А. Абалян фотоси.

ТАЪЗИМ!

МУҚАДДАС қадамжолар — мангу олов ёниб турган зиёратгоҳлар жуда кўп. Улар Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган азиз ватандошларимизнинг порлоқ хотираларини абадийлаштирган. Чиноз шаҳридаги Совет солдати шарафига қўйилган ёдгорлик ҳам ана шуларнинг бири.

Бундай жойлар донмо сукут оғушида. Ёдгорлик пойидан гуллар, гулдасталар аримайди, зиёратчилар икки қўли кўксида, таъзимда. Беихтиёр кўзлар намланади. Ватан озодлиги, халқимиз эрки, бахт-саодати учун жонини қурбон қилганларга бўлган чексиз ҳурмат ифодаси бу.

Чимрилган юзлаб лаблар оҳиста шивирлайдилар:

— Биз сизларни унутмаймиз, азизлар!..

Ҳа, ҳеч ким, ҳеч нарса унут бўлмайди. 1941—1945 йиллар мобайнида совет халқи йўқотган 20 миллион ватандошларимизни, вайронага айланган шаҳар ва қишлоқларимизни, қули кўкка совурилган муҳташам биноларимизни, халқимиз бошига тушган оғир жудолик ва ҳижрон азобларини, бир сўз билан айтганда, фашизм бошлаган уруш туфайли етказилган оғир жароҳатларни унутиб бўладими?!

Кўкракларига шода-шода орден-медаллар таққан боболаримиз, сочларига энди қиров қўнган собиқ жангчилар — отахонларимиз бу сўзларни қайта-қайта такрорлайдилар. Юзларини ажин босган бувижонларимиз, кўзлари ҳамон йўлларда интиқон онахонларимиз энг эзгу ният — тинчлик истаги билан яшайдилар. Қуриш, бунёд этиш, боғ-роғ яратиш билан машғул йигитларимиз, фарзандларига гиргиттон опа-сингилларимиз, хулласи, ҳамманинг, ҳаммамизнинг фикри-зикримиз, ниятимиз, мақсадимиз, ҳаётимизнинг бош мазмуни—барқарор тинчлик, ватан равнақи, халқ бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилиш!

Урушнинг номи ўчсин! Қуролланиш пойгаси тўхтатилсин! Ядро қирғинига йўл қўймаймиз! Ер куррасида яшаётган 4,8 миллиард аҳолининг ҳоҳиш-иродаси ана шу! Бироқ, «Першинг»лар, «Миннитмен»лер, «Трандайт»лар, «МХ»лар, қанотли ракеталар, атом бомбалари билан бутун башариятга таҳлика солаётган бир ҳовуч агрессорлар янги жаҳон уруши оловини ёқмоқчи бўладилар. Йўқ! Бунга жаҳон афкор оммаси — прогрессив инсоният, тинчлик тарафдорлари асло йўл қўймайдилар! Совет ҳукумати бошлиқ социализмнинг қудратли лагери тинчликни сақлаб қолиш учун етарли даражада кучли ва мустаҳкамдир!

...Атроф жим-жит. Мана, Улуғ Ватан уруши иштирокчиларидан бири — Ҳамидулла ота Сайдуллаев Чиноз марказидаги ёдгорлик пойига келди. У чуқур сукутда. У уруш йилларини, фронт йўлларини, қуролдош дўстларини... тирикларни ва ўликларни эсга олади. У эшитилар-эшитилмас пичирлайди:

— Такрорланмаслиги керак!.. Огоҳ бўлинг, одамлар!..

Унинг секингина айтган бу сўзлари дунёнинг барча жойларида қудратли акс садо бўлиб жаранглайди...

Р. УМАРОВ.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«ШОҲНОМА»

● ҒАФУР ҒУЛОМ номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти хайрли иш бошлади. 1984 йилдан эътиборан жаҳон адабиёти классиклари асарлари силсиласини «Жаҳон адабиёти дурдоналари» серия сида чоп этишга киришди. Шарқ классик адабиётининг машҳур намояндаси, буюк мутафаккир Абулқосим Фирдавсийнинг бадиий дурдоналари манбаи ҳисобланган «ШОҲНОМА» асари шу серия дан биринчисидир. Китоб асосан мазкур нашриётда 1975—1977 йилларда нашр этилган уч жилдлик достонлар асосида тузилган. Китобни тузувчи ҳамда «Абадий барҳаёт асар» сарлавҳали сўзбоши муаллифи—филология фанлари доктори, халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати Шоислом Шомуҳамедов дир.

● «ХУРОЗ УЧ ҚИЧҚИРГУНЧА» — Машҳур рус ёзувчиси Василий Шукшин ўзининг чуқур самимият ва инсонга меҳр билан суғорилган ҳикоялари, киноқиссалари, романлари билан кенг китобхонлар эътиборини қозонган. Ажойиб сўз устасининг бир қанча ҳикоялари, «Любавинлар» романи ўзбек тилига таржима қилинган. «Хўроз уч қичқиргунча» номли тўпламга кирган эртак-қиссаси ҳамда «Танқидчилар» ва «Артист Федор Грай» ҳикоялари ҳам кенг китобхонларга манзур бўлади, албатта. Эртак-қиссани рус тилидан Сулаймон Раҳмон, ҳикояларни Шодмонбек Отабоевлар таржима қилишган.

● «САҲРОИЛАР» — Туркман ёзувчиси Бердиназар Худойназаровнинг «Саҳройилар» романида Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида фидокорона меҳнати билан ғалабани яқинлаштиришга улкан ҳисса қўшган Туркманистоннинг чекка қишлоғидаги ажойиб одамлар ҳақида ҳикоя қилинади. Асарни туркман тилидан Ҳабиба Мансурова таржима қилган.

● «ТАНЛАНГАН АСАРЛАР» — Машҳур ўзбек-совет ёзувчиси, катта қалб эгаси, нозиктаъб файласуф, таниқли арбоб Ойбек ўзининг асарлари билан совет адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган. Муео Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти атоқли адибнинг беш жилдлик танланган асарларини рус тилида чоп этишга киришди. Куни кеча босмадан чиққан биринчи жилдга ёзувчининг нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам машҳур бўлган «Қутлуғ қон» романи киритилган. Китобдаги «Ойбекнинг маънавий олами» ҳақидаги сўзбоши муаллифи профессор Ҳомил Ёқубовдир.

● «УМРИМ ДОСТОНИ». Ҳозирги замон совет шеъриятининг улкан вакилларидан ҳисобланган атоқли рус совет шоири, Ленин мукофоти лауреати Егор Исаев ижоди ҳақли равишда шеъриятмухлисларининг эътиборини ўзига тортиб келмоқда. «Дўстлик кутубхонаси» серия сида нашр этилган навбатдаги китоб — «Умрим достони» номи билан аталган. Китобдан Егор Исаевнинг машҳур достонлари — «Хотира уфқи» ва «Хотира ҳукми» ўрин олган. Бу достонлар ўзбек тилида биринчи бор жаранглямоқда. Достонларни рус тилидан Муҳаммад Али ҳамда Раззоқ Абдурашидов таржима қилишган. «Уфқларни қуйлаган шоир» сарлавҳали сўзбошини Муҳаммад Али ёзган.

● «ЮРАК». — Йигирманчи йилларнинг охирида шеърият майдонига кириб келган ҳаёт ва шеъриятошиғи Усмон Носирнинг жозибадор лирик шеърлари, достонлари ва севги-садоқатни тараннум этувчи машҳур «Атлас» драмасидан ташкил топган китоб «Юрак» деб номланди. Бу китобдан олов қалб шоирнинг элликка яқин лирик шеърлари, тўрт достони, битта драмаси ҳамда шоир томонидан амалга оширилган нодир таржималар — А. С. Пушкининг «Боғчасарой фонтани» ва М. Ю. Лермонтовнинг «Демон» асарлари ўрин олган.

● «СИРЛИ МУЪЖИЗАЛАР» — Инсоният тарихида бутун-бутун кемаларнинг сирли тарзда ғойиб бўлиши, йирик фазо жисмларининг катта куч билан Ерга қулаши, ўзга сайёралардан қандайдир онгли мавжудотларникига ўхшаш сигналлар эшитилиши каби мўъжизавий ҳодисалар кўп марта рўй берган. «Сирли мўъжизалар» китобига айни мана шундай ҳайратомуз ҳодисалар ҳақидаги илмий-оммабоп мақолалар тўпланган.

Бу китоблар Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилди.

«НАВРЎЗИ АЖАМ» НАВОЛАРИ

Оққўрғон район маданият уйининг «Наврўзи ажам» халқ ансамбли бир неча йиллардан буён ўзининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан колхозчилар, ҳамқишлоқларининг таҳсинига сазовор бўлмоқда. Шу кунларда ҳаваскор санъаткорлар тез-тез район хўжаликлари чорвадорлари ҳузурида бўлиб, ўзларининг ранг-баранг программадаги куй ва қўшиқларини ижро этмоқдалар.

Яқинда ансамбль «Ленинобод» ва Куйбишев номли колхозларда бўлди. Чорвадорлар айниқса, Дилором Сандаҳмедова, Турсунмат Мирзаев, Эргаш Пардашев, Феруза Дадабоева ва Сулаймон Тўрақуловларнинг чиқишларини олқишладилар.

(Ўз мухбиримиздан).

РАССОМ ИЖОДХОНАСИДА

МЎЙҚАЛАМ СЕҲРИ

Таниқли рассом Алишер Мирзаевнинг «Тошкент дўстлик ва қардошлик шаҳри» тасвирий триптихи ўтган йилнинг энг яхши асарларидан бири деб топилди. Санъаткор Ўзбекистон Рассомлар союзининг мукофоти билан тақдирланди.

Суратда: Алишер Мирзаев.

Автор фотоси.

Рассом куй сеҳрига ошиқ. У аждодлар тарихини ўрганади. Замонавий техника қудратидан ҳайратланади. Ҳайкалтарош эса шеър битади. Бунинг ажабланарли ери йўқ. Ижодкор ҳақиқий асар яратиш учун ҳаётни бутун борлиғи билан ҳис этиши лозим.

Алишер Мирзаев ҳаётга, унинг такрорланмас гўзаллигига, софдил ва меҳнатсевар, оддий кишиларга меҳр қўйган рассом. Унинг ижодида юқорида таъкидлаганимиздек, мусиқа ҳам, асримиз ривожи ҳам, аждодларимиз тарихи ҳам бирдек ўз аксини топган.

Алишер Мирзаевнинг картиналари Ўзбекистон, иттифоқдош республикалар, хорижий мамлакатларда намойиш этилиб, барчага яқин ва таниш бўлиб қолди.

Алишер ҳозир 34 ёшда. Асли тошкентлик. Беньков номидаги республика рассомчилик билим юртини тугатгач, Москвадаги Суриков номли тасвирий санъат институтида таҳсил кўра бошлади. Бу ерда унга машҳур совет рассомлари, академик Алексей Грицай ва профессор Дмитрий Жилинскийлар устозлик қилишди. Ҳар икки буюк санъаткор Алишернинг маҳоратли, келажаги порлоқ, тиришқоқ шогирд эканлигини студентликнинг дастлабки йиллариданоқ сезган эдилар.

Институтда таҳсил кўраётган вақтида ҳам Алишер қадрдон шаҳри билан алоқани узмади. Унинг турли кўргазмалари, виставкаларида ўз асарлари билан иштирок этди. Бундан ўн йил аввал «Ёшлар ижоди» республика виставкасига ўзининг «Тўй», «Бозор» деб номланган картиналари билан қатнашди. Улар талабчан томошабинларнинг юқори баҳосини олди. Худди шу асарлар А. Мирзаевнинг диплом иши ҳам эди. Давлат имтиҳон комиссияси бу асарларни аъло баҳолади.

Мана ўн йилдирки, ўзбек рассоми изланишда. Унинг асарлари Болгария, Чехословакия, Руминия, Венгрия, Франция ва Италияда ҳам намойиш этилиб, ўз мухлисларини топди.

А. Мирзаев СССР Рассомлар союзининг ижодий группалари билан мамлакатимизнинг турли бурчакларида бўлиб, ўн биринчи беш йиллик улкан қурилишлари лавҳаларини яратди. Рассом қаерда бўлмасин ёшларнинг бунёдкорлик меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилади.

Кейинги йилларда Алишер графика санъатига ҳам мурожаат этди. У яратган «Болгария», «Глетко қишлоғи», «Она» график асарлари ўзининг жонли, ҳаётий талқини билан кишини ром этади.

Рассомнинг мукофотга сазовор бўлган энг янги асарларидан бири «Тошкент дўстлик ва қардошлик шаҳри» ҳақида ҳам тўлқинланиб сўзлаш мумкин. Унда Алишер она шаҳри Тошкентнинг бугунги гўзаллиги, кишиларининг меҳмондўстлиги, маданий ҳаётини катта маҳорат билан полотнога туширган.

Алишер мойбўёқ, акварель, қалам билан қандай услубда ижод этмасин, уларнинг барида ҳаётга муҳаббат руҳи ҳукм суради.

О. АПУХТИН.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ишчи-қишлоқ мухбирлари университетининг навбатдаги машғулоти бугун 25 январь соат 18.00 да ўтказилади.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ҲАММАСИДА ҒАЛАБА

● ЭРКАКЛАР ўртасида баскетбол бўйича олий лига командаларининг баҳсида қатнашаётган Тошкентнинг «Университет» баскетболчилари Андижонда ўтказилган мусобақаларнинг ҳаммасида ғалабага эришдилар. Маълумки, бу ерда 9—12 ўринлар учун тўрт команда — Москванинг «Динамо», Владивостокнинг «Спартак», Вильнюснинг «Статиба» ва Тошкентнинг «Университет» командалари қатнашди. Баскетболчиларимиз охирги кун Москванинг «Динамо» командаси билан учрашиб 103:93 ҳисобида устун келдилар. Бу ғалабадан сўнг «Университет» очколар сонини 21 тага етказди. «Статиба» командасида 19 та, «Спартак» ва «Динамо» командаларида 16 тадан очко бор.

ОЛТИН, КУМУШ, БРОНЗА

● ДЗЮ-ДО кураши бўйича аёлларнинг Бутуниттифоқ мусобақалари Витебск шаҳрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон спорт шарафини тўққиз спортчи ҳимоя қилди. Наманганлик Р. Юсупова олтин медаль билан тақдирланди. Тошкентлик Наталья Названова 72 килограммгача ҳамда ундан юқори вазнда қатнашиб, иккита кумуш медалга сазовор бўлди. Тошкентлик Елена Шанина 52 килограммгача вазнлилар баҳсида учинчи ўринни олиб, бронза совриндори бўлди.

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

● ОЛИЙ лига командаларининг иккинчи тур ўйинлари Олмаота шаҳрида давом этмоқда. Тошкентнинг «Динамо» волейболчилари Риганинг Радиотехник» клубига 0:3 ҳисобида ютказгандан сўнг Вильнюснинг «Курапаратура» командаси устидан худди ана шундай ҳисобда ғолиб келдилар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЭЛЕКТРОНИКА—2-11» ҲАМЁНДАГИ БУДИЛЬНИКДИР

Бу соат стол — ҳамён типида тайёрлаб чиқарилаётган кварц рақамли соатлардир. Улар соат, минут, секунд неча бўлганлигини кўрсатиб боради ва ҳар бир соат вақти тўла тугагандан кейин овозли сигнал беради.

Сигнални белгиланган вақтга автоматик тарзда белгилаб қўйиш ва унинг юқори даражада аниқ юриши бу соатни ғоятда ишончли будильник бўлишини таъминлаган.

Соат юришининг аниқлиги—бир суткада бир секунд фарқ қилади.

Таъминланиш элементларини алмаштирмасдан ишлаш муддати 12 ой.

Габарит ҳажми 85х60х18 мм.
Оғирлиги 100 грамм.
Баҳоси 27 сўм.

«ЭЛЕКТРОНИКА-2-14» СТОЛ КВАРЦЛИ СОАТЛАРИ — ЭЛЕКТРОН ХОТИРАЛИ БУДИЛЬНИКДИР.

Улар кун, соат, минут, секундни аниқ кўрсатади, ҳар бир соат тўлиқ тугагандан кейин автоматик тарзда музикали сигнал эшитилади ва белгиланган вақтни уч марта эслатиб туради.

Бундай соат бир суткада 1 секунд фарқ билан юради. Таъминланиш элементларини алмаштирмасдан ва музикали сигнал ёқилган ҳолда ишлаш муддати 6 ой.

Габарит ҳажми — 115х75х45 мм.
Оғирлиги 125 грамм.
Баҳоси 35 сўм.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ. «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТВ

БУГУН

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Фруза». Телевизион бадиий фильм.
11.00 Мультфильмлар.
11.30 Ҳужжатли фильмлар: «Архангельск. Биографиясининг бешинчи асри», «Қоратов: йигирманчи баҳор».
12.10 РСФСР халқ артисти Ю. Казаков чалади (баян).
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Бешинчи қитъада». Австралия ҳақида киноочерк.
15.40 «Рус тили».
16.15 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
17.40 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
18.15 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Команда иккикураши. 3х10 км га эстафета. Австриядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.40 «Сайловлар олдидан».
19.55 «Максимнинг ёшлиги». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Неру». Ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 ГДРдан музикали кўрсатув.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Илмий-техника тараққиёти ва меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими». Илмий-оммабоп фильм.
14.25 М. Ю. Лермонтов — рассом.
15.25 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. Партия ҳақида ҳикоялар. «Эски дунёдан воз кечамиз».
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30—18.50 Янгиликлар.
19.55 «Алоҳида ғамхўрликка сазовор». Кўрсатувда РСФСР тўқимачилик саноати министри А. М. Парамонов, Орехово ип-газлама комбинатининг бош директори Б. А. Молодцов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ип йигирувчи В. Е. Гиталова иштирок этадилар. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ритмик гимнастика.
21.15 Москва область, Дубна шаҳар «Мир» Маданият уйи академик хорининг хотинқизлар группаси ижро этади.
21.30 «Время».
22.05 «Оилавий альбом». Телевизион бадиий фильм.
23.15 «Шеъриятнинг шифобахш ҳавоси». Телефильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «10 «Б» синфидаги Костя Барабаш».
11.30 Ўқув программаси.
12.00 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (такрорий).
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ота-оналар университети».
18.45 «Дунё воқеалари».
19.15 «Экиш агрегатлари шай бўлсин».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 КПСС XXVII съезди олдидан. «Ер ва эл» (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг ижодий кечаси.
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқитувчилар учун консультация.
18.50 «Бор-йўғи ўйин». Телефильм.
19.10 «Китоб дўстлари» (рус.).
19.40 «Денгизлар, тоғлар оша». Телефильм.
19.50 Тошкент янгиликлари.
20.10 «Нина». Бадиий фильм.
21.30 МТ II

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ / "Ташкентская правда"/

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар—325556; фотомухбир—325894.

Р. 11043. А. 1628. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12